

“Smart bank” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил “6 ” феврал даги  
06-02 - сонли йиғилиш баённомасига  
11-илова

**“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
СИЁСАТИ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги, ““Банклар ва банк фаолияти тұғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқтарини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунлик хужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқылган.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан бүён матнда Банк деб юритилади)нинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг профилактикаси соҳасидаги сиёсатини ва ташкилий асосларини, Банк номидан ва Банк манфаатларини ҳимоя қилиб ҳаракат қиладиган барча ходимлар ва шахслар томонидан коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этишининг асосий тамойилларини белгилаб беради.

2. Мазкур Сиёсатда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини күзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық** - коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатлар;

**коррупциявий ҳавф-хатар** - шахслар томонидан Банк ва унинг тизимларини суиистеъмол қилиш ва уларнинг манфаатларини күзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш ҳавфи;

**коррупциявий омиллар** - Банк ходимлари учун моддий ва номоддий манфаат олиш мақсадида қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш ва коррупциявий ҳаракатларни амалга оширишга имкон берувчи жараёнлар;

**коррупциявий ҳаракатлар** - Банк манфаатларига путур етказувчи, ўз манфаатлари ва/ёки учинчи шахслар манфаатларини күзлаб ўз хизмат мавқеи ва ваколатларидан қонунга хилоф равища фойдаланган ҳолда моддий ва/ёки номоддий ҳак эвазига амалга ошириладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** - амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк ички ҳужжатларида коррупциявий омилларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарларга қарши қурашиш, Банк ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чоратадбирлар мажмуи;

**Банкнинг бошқарув органлари** - Банк ягона акциядори, Банк Кузатув

	<p><b>Ro'yxatdan o'tkazildi</b> <b>Ro'yxat raqami:</b> <u>I-6</u> <b>Sana:</b> <u>10</u> <u>февраль</u> <u>2023</u> yil <b>Imzo:</b> <u>Мурод</u></p>	2
--	---	---

кенгаши ва Банк Бошқаруви;

**контрагент** - Банк билан ўзаро шартнома асосида муносабат ўрнатмоқчи бўлган ёки ўрнатиб бўлган мижоз;

3. Ушбу Сиёсатда белгиланган талаб ва қоидалар Банкнинг бошқарув органлари аъзолари ва эгаллаб турган лавозимлари даражасидан қатъий назар Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, Сиёсат талаб ва қоидалари Банк билан фуқаролик-хуқукий шартномалар асосида ҳамкорлик қиласиган жисмоний шахсларга ҳам кўлланилади.

## **2-боб. Сиёсатнинг мақсади ва вазифалари**

4. Мазкур Сиёсат Банкка унинг мижозлари томонидан ишончнинг оширилишига, Банкнинг очиқ ва қонуний бизнес юритишига, мижозларга адолатли хизмат кўрсатишини таъминлашга, корпоратив маданиятини юксалтиришига ва шаффоффлик, очиқлик тамойиллари асосида корпоратив бошқариш стандартларига риоя қилишга ҳамда юксак ишбилармонлик обрўсини таъминлашга қаратилган.

5. Ушбу Сиёсатнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ҳар қандай шакл ва кўринишдаги коррупция ҳаракатларини рад этилиши тўғрисида Банкнинг бошқарув органлари ва Банк ходимлари ўртасида ягона тушунчани шакллантириш ва коррупция хавфини минималлаштириш;

коррупцияни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш, олдини олиш, ошкор қилиш ёки йўқ қилиш ва Банкнинг бошқарув органлари, Банк ходимлари ва контрагентларининг муросасизлиги билан ажralиб турадиган коррупцияга қарши онгни шакллантириш бўйича тизимли, кенг қамровли, изчил, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Банк ёки Банк номидан иш курувчи шахслар ва Банк ходимлари учун коррупцион ҳаракатларни олдини олиш мақсадида Банк томонидан тегишли тартибларни ўрнатиш;

Банк ҳалол ва очиқ фаолият олиб боришини ва коррупцияни ҳар қандай шакл ва кўринишидан қатъий назар уни қабул қиласлик сиёсатини Банк ходимлари, мижозлари, контрагентлари ва бошқа шахслар онгida шакллантиришдан иборат.

6. Сиёсатнинг асосий мақсадларини амалга оширишдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

Банк ходимларига ушбу Сиёсатнинг принциплари ва талабларини, коррупцияга қарши қонун хужжатларининг меъёрий талаб ва нормаларини билиши ва уларга риоя қилиш мажбуриятини белгилаш;

коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: 16 Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: </p>	3
---	---	---

қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашишга қаратилган самарали механизмлар, тартиб-таомиллар ва назорат чораларни яратиш.

### **3-боб. Коррупцион ҳаракатлар**

7. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банкка ёки Банк номидан унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи шахсларга, Банк мижозларига ва контрагентлариларга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда уларнинг ходимлари ва вакилларига (шунигдек, давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилот ва корхоналарига, назорат қилувчи органларга ҳамда уларнинг ходимлари ва вакилларига):

бевосита ёки билвосита;

шахсан ўзи ёки воситачи орқали;

ҳар қандай йўл орқали ва шаклда моддий қимматликлар ва/ёки мулкий манфаатлар олиниши ёхуд берилиши Банк томонидан коррупцион ҳаракат деб баҳоланади.

Мазкур мақсадлар, тартиб ва шаклларда содир қилинган коррупцион ҳаракатлар қуидагилар хисобланади:

пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш;

пора олиш ёки пора олишда воситачилик қилиш;


Банк ходими томонидан амалдаги қонунчик ҳужжатларида ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланмаган моддий қимматликларни олиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлиш мақсадида мансаб ваколатлари билан боғлиқ имкониятлардан ўзи ёки учинчи шахслар манфаатлари (фойдаси)ни кўзлаб фойдаланиш;

қонунчилигига зид равишда ўзининг мансаб ваколатларини сустеъмол қилиш.

8. Банк ходимлари учун ушбу Сиёсатнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш таъкиқланади. Шуннигдек, бевосита ёки билвосита ёхуд учинчи шахслар орқали мансабдор шахсга ёки иштирокчига ўз лавозим вазифаларини бажаришларида бирор-бир ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни амалга оширишлари учун мансабдор шахс ёжуд бошқа жисмоний ёки юридик шахсга бирор-бир ноқонуний устунликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим қилиш қатъий таъкиқланади.

### **4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

9. Банк ўз фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг қуидаги



асосий тамойилларига амал қиласы:

қонунийлик. Банк ҳар қандай муносабатларни амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ҳурмат ва ишноч асосида үрнатади;

коррупциянинг ҳар қандай күриниши ва шаклига нисбатан муросасизлик. Банк ходимларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, Банк ходимлари ва мижозларга коррупцияга нисбатан муросасиз қурашишлиги, коррупцияга нисбатан ҳеч қандай кечиримлилик мавжуд эмаслигини шакллантириш;

мижозларнинг хуқуклари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги. Мижозларнинг амалга оширадиган ҳар қандай қонуний хуқуклари ва манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

очиқлик ва шаффоффлик. Банкнинг бошқарув органлари ва ходимилиарининг фаолияти ошкоралиги ҳамда очиқлиги;

тизимлилик. Коррупцияга қарши қурашишда ташкилий, хуқуқий, сиёсий, ахборот-тарғибот ишлари, ижтимоий-иктисодий ва бошқа маҳсус чоралардан комплекс фойдаланиш;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги. Коррупцияга қарши қурашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат ва бошқарув органлари ҳамда ташкилотлар, шунингдек, мижозлар, контрагентлар билан ҳамкорлик қилиш;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги. Банкда коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар биринчи навбатда кўриб борилиши ҳамда самарадорлиги оширилиб борилиши;

жавобгарликнинг муқаррарлиги. Коррупциявий ҳаракатлар учун ҳар бир Банк ходими ва учинчи шахс жазо муқаррарлигини ҳис қилиши ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим.

### **5-боб. Коррупциявий ҳолатлар юзага қелиши мумкин бўлган фаолият йўналишлари ва ушбу ҳолатлардаги коррупцияга қарши қурашиш тизими**

10. Банк шартномавий муносабатларга киришишдан олдин контрагентларни лозим даражада текшириш тизимини ("Due diligence") жорий қиласы. Мазкур жараёнларни жорий қилиш мақсадида Банк ўз контрагентларидан уларнинг якуний бенефициарларигача бўлган таъсисчилари ва мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этишни талаб қиласы ва ўрганиб чиқади.

Банк ходимларига контрагентларни ва бошқа шахсларни мазкур Сиёсат

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-6 Sana: "do" fevren 2023 yil Imzo: 
------------	---

ва амалдаги қонун хужжатлари талабларига зид бўлган ҳаракатларни амалга ошириш учун жалб қилиш таъкиқланади.

11. Банк ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишида касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини (ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий даражасидан қатъий назар, энг қобилиятли кишиларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашларига асосланган бошқариш тамойили) қўллади.

Банк ходимларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратади, кадрлар захирасини шакллантиради, шунингдек, тизимли равишда ходимларнинг малакасини оширади, уларнинг ротациясини йўлга қўяди.

Банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимлари амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши таъминланади.

Банк ходимларига мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоғ, teng ва холис бўлиши ҳамда ушбу Сиёсат талабларига мувофиқ бўлиши таъминланади.

12. Банк ходимларининг хақаро ва бошқа ташкилотлар таклифига қўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва шу кабилар)да иштирок этишига қуидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир амалдаги қонунчилик, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Банкнинг бошқа ички меъёрий ва бошқа хужжатларига мос келиши;


тадбир Банк ёки таклиф этилган ходимнинг ривожланишига хизмат қилиши;

тадбир Банк ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига ножӯя таъсир қиласлиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни қўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги;

тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Банк ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон обрўси/мавқеи учун хатар юзага келмаслиги.

13. Банк ходимлари, ўз хизмат вазифаларини бажариш чогида, Банк номидан бошқа шахсларга берадиган ёки бошқа шахслардан оладиган меҳмондўстлик белгилари, вакиллик харажатлари амалдаги қонун хужжатлари талабларига ва иш муомаласи одатларига мувофиқ келиши лозим.

Банк, мазкур Сиёсат талаблари ва амалдаги қонун хужжатлари талабларига мос келмайдиган ҳолларда, давлат хизматчилари, уларнинг



қариндошлари ёки улар кўрсатган шахсларнинг харажатларини тўлаши таъқиқланади.

14. Банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳомийлик ва хайрия ёрдами сифатида мол-мулклар олиши ҳамда ўзи ҳомийлик ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Банк ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга оширишда коррупцияга қарши қурашиш конун ҳужжатлари ҳамда мазкур Сиёсат талабларига қатъий риоя қилиши лозим.

Банк ҳомийлик ва хайрия ёрдами сифатида мол-мулк олганда ҳомийлик ва хайрия сифатида олинган мол-мулк таснифи ва қиймати, ушбу мол-мулкни берган юридик ва жисмоний шахслар, юридик шахсларнинг таъсисчилари, олинган мол-мулкнинг қандай мақсадларда сарфланганлиги (сарфланиши) ҳақидаги маълумотларни Интернет тармоғидаги ўзининг расмий сайтида эълон қилиб боради.

15. Банк томонидан ўз ички меъёрий ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасидан ўтказиб боради.


Банк бизнес жараёнлари ва тартиб-таомилларни амалга оширилишида коррупциявий хавф-хатарларни ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар билан боғлик ходисаларни таҳлил қиласди. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда ижросини таъминлайди.

16. Банк мазкур Сиёсат ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш йўли билан коррупция профилактикасини амалга оширади.

16. Банк ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва/ёки Банк манфаатларини ифодалаш чоғида манфатлар тўқнашувига олиб келадиган шахсий манфаатдорликка йўл қўймамлик чоралари кўрилади. Банкнинг маҳсус таркибий тузилмалари манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

17. Банк томонидан доимий асосда Банкнинг таркибий тузилмалари фаолияти устидан ички ва ташқи аудит (ва/ёки назорат) назорат тадбирлари ўтказилади. Назорат тадбирлари доирасида таркибий тузилмалар томонидан бизнес жараёнларнинг бажарилиши, амалга оширилаётган тўловларнинг қонунийлиги, иқтисодий асосланганлиги, харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан текширув ўтказиб борилади.

18. Банк, содир этилган ёки содир этилиши эҳтимоли бўлган коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш учун “ишонч телефони”, маҳсус электрон почта ва бошқа ахборот каналларини ташкил этади.



Банк ўз ходимларидан коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги қонун хужжатларига, мазкур Сиёсат ҳамда Банкнинг ички меъерий хужжатларига, хусусан Обод ахлоқ қоидаларига қатый риоя қилишини талаб қиласы.

Банк ходимлари, бошқа ходимлар томонидан Банк билан ўзаро муносабатда бўлган контрагентлар, мижозлар ва бошқа шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг қонунийлиги ёки этика қоидаларига мослиги юзасидан шубҳа туғилганда, зудлик билан ташкил этилган “ишонч телефони”га ёки маҳсус электрон почта ва бошқа ахборот кананлларига хабар бериши лозим. Хабар берган шахс тұғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги ва унинг қонуний ҳақ хуқуқлари түлиқ ҳимояланиши Банк томонидан кафолатланади.

Банк ўз ваколати доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар маҳфийлдигини таъминлайди.

19. Банк ўз ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидаги йўллар орқали коррупцияга қарши қонунчик нормалари, тамойиллар, чоратадбирлар ҳақида хабар беради ва шарҳлар, тушунтиришлар беради:

масъул таркибий тузилма орқали электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Банкда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

ходимларни Банкда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишига доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камидан бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

янги ходимларни ишга кабул килаётганда ушбу Сиёсат ва Банкнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички хужжатлари билан албатта танишиши;


Банкдаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишининг қўшимча дастурларини белгилаш.

## 6-боб. Якуний қоидалар

20. Банкда коррупцияга оид берилган хабарлар бўйича тегишли ваколатли тузилмалар ва шахслар томонидан ўрганишлар амалга оширилади ҳамда зарур ҳолларда хизмат текширувлари ўтказилади ва натижаси бўйича тегишли далолатнома ёки маълумотнома тузилади.

21. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик нормалари, ва/ёки Банкнинг ички меъерий ва бошқа хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш нормаларини бузган Банк ходимлари ва шахслар амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.


22. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзgartiriш ва қўшимчалар Банк



Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

23. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.



# ЮРИДИК ХУЛОСА

\*\*\*\*\*

(норматив-хукуқий хужжатни хукуқий экспертизадан  
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида” ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида Низом”, банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк  
тизимида коррупцион ҳаракатлар ва уларга қарши курашиш  
тамоиллари, унинг мақсад ва вазифалари, коррупцияга оид  
хукуқбузарликларга қарши курашиш тизими, банк ходимларида  
коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби  
муносабатларни тартибга қаратилган.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси  
коидаларига риоя қилинган.

Хукуқшунос



М.Фуломжонова